Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan | www.huquq-gazeta.uz | 2009-yil 23-aprel, № 17 (642)

## ҲАМКОРЛИК

***Жорий йилнинг 12-14 апрель кунлари Россия Федерациясининг Москва шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Мазкур йиғилишда Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси Бош прокурорлари қатнашдилар.***



# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Кун тартибига мувофиқ, йиғилиш давомида ШҲТга аъзо давлатлар прокуратураларининг фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси ва жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиёт соҳасидаги қонунбузилишларга қарши курашиш, прокуратура органларининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка, айниқса, одам савдосига, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, ҳудудий хавфсизликни таъминлаш фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

Бу борада Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг ШҲТга аъзо давлатлар прокуратураларининг одам савдосига қарши курашиш йўналишидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш лозимлиги хусусидаги нутқи алоҳида қайд этилиб, жаҳон молиявий инқирози шароитида кўтарилган ушбу масала долзарб ва муҳим аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

Учрашув давомида Ўзбекистон прокуратураси делегацияси аъзолари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар, миллий қонунчиликка киритилаётган, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши соҳасидаги сезиларли ўзгартиришлар тўғрисида мазкур учрашув қатнашчиларини хабардор қилдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон прокуратураси делегацияси Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси прокуратуралари вакиллари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди. Уларда ҳуқуқий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва Бош прокуратуралар делегациялари ташрифи билан ўзаро тажриба алмашиш тўғрисида дастлабки келишувларга эришилди.

Учрашув якунига кўра, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиёт соҳасида қонунбузилишларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка, шу жумладан, терроризм ва экстремизмга, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишда ҳуқуқий ҳамкорликни кенгайтириш ва уни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари акс эттирилган Протокол имзоланди.

Уюшган жиноятчиликнинг мазкур турлари билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва экстрадиция тўғрисидаги сўровларнинг биринчи навбатда кўриб чиқилишини таъминлаш; жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида халқаро қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисида, шунингдек, миллий ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ахборот материаллари, шу билан бирга ШҲТга аъзо давлатлар прокуратуралари тизимига кирадиган ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг маълумотлари билан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ахборот алмашиш; зарурият туғилганда жиноятчиликнинг хавфлироқ кўринишларига қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи прокуратура ходимларининг махсус малака ва маҳоратини ошириш масаласини кўриб чиқиш; икки томонлама ва кўп томонлама асосда қўшма учрашув ва семинарларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг навбатдаги йиғилишини 2010 йилнинг иккинчи ярмида Хитой Халқ Республикасида ўтказишга келишилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**Бош прокуратуранинг халқаро-ҳуқуқий бўлими бошлиғи**

# ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Хоразм вилоят прокуратураси томонидан қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси, яъни пенсия, нафақа ва моддий ёрдам пуллари тўланиши қонунийлиги юзасидан ўтказилган тадбирларда мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан маблағлар талон-торож қилинганлиги ҳамда бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 434-сонли ва 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сонли қарорлари ижроси ҳамда оналарга бола икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақа тўланиши аҳволи юзасидан ўтказилган текширишларда айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари нафақа тайинлаш комиссиялари оиланинг ўртача даромадини аниқлашда масъулиятсизларча ёндошганлиги сабабли нафақалар ноқонуний тайинланганлиги аниқланди.

Танлама асосида ўтказилган текширишда 34 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 124 нафар фуқарога 9 млн. 883 минг сўмлик нафақалар ноқонуний тўлангани аниқланди. Масалан, Урганч туманида 8 та маҳалла фуқаролар йиғинлари тегишли комиссиялари 2,8 млн. сўм, Ҳазорасп туманида 13 та комиссия 2,4 млн. сўм, Хонқа туманида 2 та комиссия 2,3 млн. сўм, Қўшкўпир туманида 5 та комиссия томонидан 1,6 млн. сўм нафақалар ноқонуний тайинланган.

Аниқланган жиддий қонунбузилишлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, Урганч туманидаги «Ғойбу» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келган М.Жуманиёзов нафақани ноқонуний тайинлаганлиги сабабли 2007 йилда суд ҳукми билан жаримага тортилган бўлса-да, тегишли хулоса чиқармасдан такроран ноқонуний нафақа тайинлаб, давлат манфаатларига 2 млн. 800 минг сўмлик зарар етказган. Вилоят прокуратураси томонидан М.Жуманиёзовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва у суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 421-сонли қарорининг жойлардаги ижроси ўрганилганда, тадбирлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Ички идоравий назорат ва интизом сусайиб кетганлиги сабабли суиистеъмолчилик, исрофгарчилик ва талон-торож қилиш ҳолатлари содир этилган. Дебитор қарздорлик ўсишининг асосий сабабларидан яна бири табиий газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларига қатъий барҳам берилмаётганлигидир.

Хусусан, «Қўшкўпир Бунёдкор» хусусий корхонаси раҳбари Х.Расулов корхонага қарашли бўлган ғишт ишлаб чиқариш цехини истеъмол қилинган табиий газни ҳисобга олиш ускунасидан ташқари улаб, давлат манфаатларига 31,9 млн. сўмлик моддий зарар етказган. Корхона раҳбарига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Боғот тумани «Маданият» қишлоғи «Ғалаба» маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Эшназаров табиий газ тармоғига ноқонуний равишда уланиб, яширин цех ташкил қилган. «Тадбиркор» цехда алюминийни эритиш ва ундан маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди. Тергов давомида қонунбузар томонидан туман газ филиалига етказилган 100 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилиб, суд ҳукми билан айбдорга 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилди.

АТИБ «Ипотека банк» Хоразм вилоят филиали масъул мансабдор шахслари ва «Хива таъмир монтаж қурилиш» МЧЖ раҳбари Ф.Рўзметов ҳамда фуқаро О.Мадаминов банк маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида ноқонуний ишларни амалга оширишган. Банк ходимлари ўз вазифаларига лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлишган, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, мижозларга ажратилган кредит, ссуда ва бошқа маблағларнинг қарз олувчилар томонидан мақсадли ишлатилиши юзасидан мониторинг олиб бормасдан қарзларни ўз вақтида ва тўла қайтарилиши чораларини кўришмаган. Мижознинг иқтисодий аҳволи ўрганилмасдан, кредит таъминотисиз, яъни гаровсиз ёки кафилликсиз мижозларга кредитлар ажратилиб, банк манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан АТИБ «Ипотека банк» Хоразм вилоят филиали масъул мансабдор шахслари ва «Вал Назир» хусусий фирмаси, «Хива таъмир монтаж қурилиш» МЧЖ, «Марғиёна қурилиш» МЧЖ ва «Миллениум таъмир қурилиш» МЧЖ, «Улгуржи саноат савдо холдинг» МЧЖ, «Ойбек-Дилфуза» ва «Анагул-Улуғбек» хусусий фирмалари раҳбарлари ҳамда якка тадбиркорлар «Мадаминова Анагул» ва «Мадаминова Дилфуза»ларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Қонунга хилоф ва яширин фаолият барибир қачондир ошкор бўлади. Жиноятга жазо муқаррарлиги эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан албатта таъминланади.

**Қўчқор РАҲИМОВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# Давлат дастурига бағишланди

20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг 1-бўлимида (Қишлоқ аҳолисининг манфаатларини тўлиқроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш) белгиланган чора-тадбирларни бажариш, хусусан, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, тайёрланиши назарда тутилган янги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи, қишлоқ ва сув хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг асосий мақсад ва вазифалари каби масалалар юзасидан қизғин мунозара олиб бордилар.

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# ҲУҚУҚБУЗАР АМАЛДОРЛАР

## ижтимоий аҳамиятга эга муҳим масалаларга ҳам панжа орасидан қарашмоқда

Беш қўл баробар эмас. Орамизда эътиборга, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож инсонлар ҳам бор. Хусусан, ногиронларнинг ўз лаёқатларига яраша иш топиши осон кечмайди. Шу боис улар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Бу тамойил Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида»ги Низомида ҳам ўз аксини топган. Термиз шаҳар прокуратураси томонидан мазкур қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида қатор ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Шаҳар ҳокими тегишли норматив ҳужжатлар асосида «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишга қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун квота иш ўринлари яратиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Унда 2008 йилда корхона ва ташкилотларда 600 та иш ўрни барпо этиш, шундан 106 таси ногиронлар учун ажратилиши белгиланган. Бироқ шу давр ичида шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимларининг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида 3 нафар ана шундай фуқаро иш билан таъминланган, холос.

Марказ томонидан руҳий ва сил касалликлари шифохоналарида қисман ва тўлиқ реабилитация қилинган ногиронлар рўйхати талаб қилиб олинмаган ва уларни ишга жойлаштириш масаласи эътибордан бутунлай четда қолдирилган.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 18-моддаси талабига кўра иш берувчилар меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги тўғрисида ҳар ойда маълумот, мўлжалланаётган ишдан озод қилишлар ҳақида камида икки ой олдин ахборот тақдим этиб боришлари лозим. Айрим корхона ва ташкилотлар томонидан қонуннинг бу талаби бир неча ой давомида бажарилмасдан келинган. Бунга вилоят сил касалликлари диспансери, вилоят халқ таълими бошқармаси, «Микрокредитбанк» АТБ вилоят бошқармаси, вилоят ҳокимлиги «Давлатназорат» бўлими, вилоят «МТПлар бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олиш, бюджет ҳисобидан уларга паспорти бўлмаган тақдирда фуқаролик паспортини расмийлаштириб бериш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларини мурувват уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларини ота-оналарининг ёки васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топшириш, зарурат бўлганда махсус даволаш муассасаларига жойлаштириш чоралари кўрилиши керак. Афсуски, гоҳида бу талабга ҳам тўлиқ амал қилинмайди.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази директори К.Жабборов томонидан берилган маълумотномада Набижон Абдуназаров «Сурхонтутзорсервис» хусусий фирмасида, Муҳаббат Кенжаева шаҳар ободонлаштириш корхонасида, Чори Ҳайитмуродов «Акмал-Холис меҳмонхонаси»да доимий ишга жойлаштирилганлиги таъкидланган бўлса-да, уларнинг кўрсатилган манзилларда ишламаслиги ошкор бўлди. Бундан кўринадики, жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва фақат сохта маълумотлар тақдим этиш билан чегараланилган.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, бу борада ҳам баъзи мансабдор шахслар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросининг аҳволи ўрганилганда АТИБ «Ипотекабанк» Сурхондарё филиали бошқарувчиси Э.Эрмўминов ва пул муомаласи бўлими бошлиғи О.Ҳайдаров томонидан ушбу қарор талаблари лозим даражада бажарилмаганлиги аниқланди. Жумладан, 2008 йилнинг июль ойи учун шаҳардаги бюджет муассасалари ва ташкилотларига ойлик иш ҳақи учун молиялаштирилган 49 миллион 865 минг сўм маблағ нақд пул билан таъминланмаганлиги сабабли ўз вақтида тарқатилмаган.

«Халқ банки» шаҳар филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ш.Маллаевнинг лоқайдлиги туфайли давлат томонидан болалар учун тўланадиган нафақа ва моддий ёрдам учун молиялаштирилган 13 млн. 487 минг сўм ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди. Ўтказилган текширишлар якунига кўра юқорида исм-шарифи қайд этилган амалдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

«Ипотека банк» АТИБ вилоят филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи А.Турсуновнинг қилмиши ҳаммасидан ошиб тушди. У муқаддам муассаса ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун бюджетдан молиялаштирилган пул маблағларини асоссиз кечиктиргани учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан тегишли хулоса чиқармаган экан. 2008 йил август ойида вилоят «Тез-тиббий ёрдам» илмий марказига 38 млн. сўм, вилоят туғруқхонасига 10 млн. сўм, сентябрь ойида 60 та ташкилотга 509 млн. 702 минг сўм бюджетдан молиялаштирилган нақд пул маблағлари ўз вақтида берилишини таъминламаган ва масъул раҳбар сифатида бу хатти-ҳаракати билан Жиноят кодексининг $184^1$-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этган.

Шаҳар прокуратураси томонидан А.Турсунов устидан қўзғатилган жиноят иши айблов хулосаси билан судга ўтказилди. Суд уни Жиноят кодексининг ушбу моддаси билан айбли деб топиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

**Абдураҳмат БОЛТАЕВ,**
**Термиз шаҳар прокурори**

# «Арзонлаштириш»

**Зафар Файзиев (исм-шарифлар ўзгартириб берилмоқда) Шайхонтоҳур туман суд ижрочиси лавозимида тинчгина ишлаб юрган эди. Нима бўлди-ю, шайтон йўлдан урди. У жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг фуқаро Пак Чун Гунга нисбатан кўрилган маъмурий иш юзасидан чиқарилган қарорига асосан «Санг Енг Корандо» русумли автоуловни давлат даромадига ўтказиш ҳақидаги ҳужжатларни иш юритувига қабул қилади.**

Шу мақсадда 2003 йилнинг 8 майида мазкур ҳужжатлар юзасидан ижро ишини ҳам қўзғатади. Сўнгра Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг хатига асосан мазкур автоуловни «Автотеххизмат» ОТТАЖ мутахассиси И.Мустафаев томонидан 4 млн. сўмга баҳоланганлигини инобатга олиб, 27 майда кимошди савдосида сотилишини таъминлаш учун ҳужжатларни суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига юборади. Аммо автоулов кимошди савдосида сотилмаганлиги боис департаментнинг хатига асосан қайта баҳолаш учун туман суд ижрочилар бўлимига қайтарилади.

З.Файзиев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тегишли буйруғининг 1-иловаси «Автотранспорт воситаларини кимошди савдолари орқали сотиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ автоулов арзонлаштирилиши лозимлигини яхши билар эди. Шунинг учун «Автотеххизмат» ОТТАЖга автоуловни арзонлаштириш масаласи билан мурожаат қилади. Бироқ автоуловни арзонлаштириш жараёнида мутасадди орган вакилларининг иштироки лозимлиги ҳамда мазкур идора раҳбарлари номига вакилларни ажратиш ҳақида хат юборилганини била туриб, уларнинг иштирокини таъминлашдан бўйин товлайди. Бунинг ўрнига И.Мустафаев билан тил бириктириб, 4 млн. сўмга баҳоланган автоуловни 1 млн. 200 минг сўмга арзонлаштиради. Орадан икки ой ўтгач эса, яна 960 минг сўмга арзонлаштиришга эришади. Натижада, суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ўтказилган кимошди савдосида «Санг Енг Корандо» автоулови фуқаро Н.Қодировга 1 млн. 60 минг сўмга сотилади.

Ушбу иш юзасидан З.Файзиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилинди. Суд унинг қилмишига ҳар томонлама баҳо бериб, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тўғрисида ажрим чиқарди. Бундан қандай хулоса чиқариш эса уларнинг виждонига ҳавола.

**Кенжа ИСЛОМОВ,**
**Собир Раҳимов туман прокуратураси терговчиси**

# «Корчалон» МТП бошлиғи

Орифжон Холиев олий маълумотли, ҳаётнинг пасту баландини тушуниб етган, кўпнинг ҳурматига сазовор одам. Аммо у сўнгги пайтларда қилаётган хатти-ҳаракатларини оқилона идрок этиб ўтирмади.

2005 йилда «Қоравулбозор туман машина трактор парки» тўлиқ ширкати раиси этиб тайинланган О.Холиевни амал курсисидан фойдаланиш иштиёқи тўғри йўлдан адаштириб қўйди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 майдаги «2008 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш жараёнида ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, кўпнинг ишончини суиистеъмол қилди.

Қоровулбозор тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган ўғлининг номида бўлган «Рустам Холи замини» фермер хўжалиги билан туман МТП ўртасида сохта шартнома тузиб, унга кўра ҳосил йиғиб олинган мазкур фермер хўжалигининг 35 гектар дон экинлари майдонини МТПга тегишли бўлган техника ёрдамида шудгорлатиб, текислатиб олди. Сўнг МТП ҳисоб-китоблари бўйича 5 гектар ерни шудгорлагани тўғрисида сохта далолатнома тузиб «иш»ни ҳам «текислаб қўйди». Бу билан «корчалонлик» машина-трактор парки манфаатларига 1 миллион 384 минг 897 сўмлик зарар етказди. МТП раисига бу «усул» қўл келганидан кейин бош ҳисобчи Тўйли Авезов ҳам «юр деган томонга индамай кетаверди». Шу боис жиноятга қўл урганини билмай қолди.

«Равнақ диёр», «Давронбобо» фермер хўжаликларида, Вобкент туманида жойлашган Эшон Ҳалимовга тегишли жами 44 гектар ер майдонида МТП техникалари билан ўтказилган шудгорлаш ишларини далолатномаларда камайтириб кўрсатди. Эвазига фермер хўжаликлари раҳбарларидан 1 миллион 354 минг 112 сўм нақд пул олиб, талон-торож қилиб юборди.

Текин даромадлардан ҳаволанган раҳбар ва бош ҳисобчи қинғир ишлар кўламини кенгайтириб боришди. 2005-2007 йиллар давомида хамтовоқлар жами 10 миллион 444 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келишган.

Лекин «кўза кунда эмас кунида синади» деганларидек, уларнинг қилмишларига чек қўйилди. Қилмишнинг жиноийлигини белгиловчи норма О.Холиев ва Т.Авезовнинг ҳушини жойига келтириб қўйди. Ҳамтовоқлар қилган ишларидан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплашди.

Ишни ҳар томонлама кўриб чиққан суд судланувчилар зарарни тўлиқ бартараф этганлиги, туман МТПнинг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлиги қисман қопланганлигини, қарздорликнинг қолган қисмини қоплаш шароити борлиги ва бошқа жиҳатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, айбдорларга жазо белгилади.

**Камол ИСАБОЕВ,**
**СВОЖЖДЛКК департаментининг Бухоро вилояти Қоровулбозор туман бўлими бошлиғи**

# Жангари фильмлар

## айрим ёшларда ҳуқуқбузарликка мойилликни туғдиради

Ўн саккиз-ўн тўққиз яшар тўрт нафар йигит тун ярмида юзларига қора ниқоб тақиб, бадавлат хонадонга бостириб киришган. Хонадон эгаси ва унинг хотинининг оёқ-қўлларини боғлаб пул ва тилла тақинчоқларини беришни талаб қилишган. Агар беришмаса, ўн бир яшар ўғиллари ва тўққиз яшар қизларини кўз олдиларида чавақлаб ташлаш билан қўрқитишган. Хонадон эгаси кўрсатдан жойдан пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишган. Юзларида ниқоб, овозлари нотаниш. Ҳеч қандай из қолдиришмаган. Босқинчилардан бири тилла буюмлар бозорида балдоқни арзонгаров сотган. Хонадон бекаси балдоқни таниб олгач, олиб-сотар аёлнинг кўрсатмаси билан босқинчи ҳамда шериклари ушланган.

Суд мажлисида босқинчилар қилмишларига иқрор бўлиб, хориж видеофильмларидаги саҳналарга тақлид қилиб, бой хонадонга бостириб киришса, пул, тақинчоқларини тортиб олишса, тараллабедод қилиб юраверишларига ишонч билан жиноятга қўл урганларини баён этишган.

Хорижда асосан чет элларнинг томошабинларига мўлжаллаб «ишланган» (ўзларида намойиш этиш чеклаб қўйилган) қотиллик, босқинчилик каби жиноий қилмишлар нафақат бойлик келтирувчи, шу билан бирга шон-шавкатга бурковчи «қаҳрамонлик» сифатида талқин этилган видеофильмлар ҳали дунёқарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни йўлдан уради. Эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилади. Бирданига бўлмаса-да, онг-тасаввурлари тубига чўкиб қолган қуйқа бир кунмас, бир куни кўр-кўрона ёвуз қилмишни содир этишларига билвосита туртки бериши мумкин.

Афсуски, фойда деса, ўзини томдан ташлашга тайёр айрим «ишбилармон»лар ана шундай фильмларнинг дисклари савдоси билан шуғулланган ҳоллар учраяпти. Қуйидаги жиноят иши бунга бир мисол.

Водиллик ўттиз икки ёшга кирган, эс-ҳушини таниган Иқболжон Бўтаев рухсат олмай савдо билан шуғуллангани учун маъмурий жавобгарликка тортилганига ўн кун бўлган эди. Бу борадаги қонун-қоидалар билан таништирилиб, огоҳлантирилган. Бироқ «тадбиркор» ўзига тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна ҳуқуқбузарлик кўчасига кирди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Каптархона» қишлоғидаги бозорда ўтказишган қисқа муддатли текширишда аудио ва видео дисклар сотаётган И.Бўтаевдан лицензиясини, рухсатномасини кўрсатишни сўрашди. У ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади. ДСИ ходимлари ундан савдо пули ва 72 дона «ДВД» ҳамда «ВСД» дисклари, ашёвий далил сифатида олишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Лицензия олмаган, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай ғайриқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланган И.Бўтаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. «Ўзбеккино» миллий агентлиги Фарғона ҳудудий бўлими эксперт комиссиясининг йиғилиши ундан олиб қўйилган дисклардаги фильмларнинг намойиш этишга, фойдаланишга яроқсизлиги тўғрисида хулоса берди.

Фуқаролар, айниқса ёшлар маънавиятига путур етказадиган видеофильмлар савдосини йўлга қўймоқчи бўлган И.Бўтаевнинг жиноий қилмиши суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд унинг қилмишига яраша жазо белгилади. Шунингдек, ундан олинган, аксариятида жангари фильмлар ёзилган 82 минг сўмлик дисклар йўқ қилинди.

Ҳозирда қарийб ҳар бир хонадонда видеомагнитофонлар, двдплеерлар бор. Ота-оналар болаларини ёвузлик «жасорат» тарзида талқин этилган жангари фильмлар таъсиридан асрашлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Маъруфжон ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Фарғона туман прокурори**

## ИККИ ЁШДАН УЧ ЁШГАЧА

*«Ёшлар йили» муносабати билан шу йилда туғилган болаларга икки ёшгача бериладиган нафақа уч ёшгача қилиб ўзгартирилган экан. Шу тўғрими?*

**И.СЕРКИСОВ,**
**Беруний шаҳри**

Ишлайдиган ва ишламайдиган оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш тартибига бу борада ўзгартириш киритилгани йўқ. Яъни боланинг ёши учгача деб ўзгартирилгани йўқ. Бола икки ёшга тўлганида боланинг онаси Меҳнат кодексининг 234-моддасида белгиланган тартиб асосида ўз хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олишга ҳақли.

## ВАҚТИДА ОЛИНМАГАН ҲУЖЖАТ

*Мен ўн икки йил давомида бир жойда ишлаб келдим. Орада меҳнат стажи борасида ҳеч қандай узилиш бўлмади. Лекин тақдир тақозоси билан 2008 йили ўз хоҳишим билан ишдан бўшадим. Аммо меҳнат дафтарчамни турли сабаблар билан ололганим йўқ. Қонун бўйича бу ҳужжатни олиш қандай бўлади?*

**Ш.ҚУЛЛИЕВА, Тошкент шаҳри**

«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада белгиланган талаб бўйича, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади (масалан: моддий жавобгар ходим ўзига бириктирилган анжомларни вақтида топширмаганлиги учун баҳона қилиб меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса). Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаган кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчасини олганлиги тўғрисида шахсий варақасига (Т-2 сон идоралараро намунавий шакл) ва ходимлар бўлимидаги ҳисобот китобига имзо қўяди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади (бошқа хатлар ҳисобга олинмайди).

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини унинг яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

## НАФАҚАНИ ОЛИШГА ҲАҚЛИМИ?

*Менинг 1990 йилда туғилган жияним Д.Сейтмамбетов икки ёшида отасидан етим бўлиб қолган. Онаси эса ўз онасиникига кўчиб кетган. Шу сабабли у 78 ёшли бувасининг қарамоғида. Лекин шу кунгача у боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олар эди. Ҳозирда коллежда ўқийди.*

*У «Оптико хиазмальный арахноидит» ташхиси билан икки йилдан бери касалхоналарда ётиб даволаниб келмоқда. Лекин соғайиб кетмаяпти. Шунинг учун Беруний туман ТМЭК томонидан унга 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланди.*

*Шу асосда биз туман ижтимоий таъминот бўлимига ногиронлик учун нафақа тайинланишини сўраб борсак, бунинг учун иш стажи ва иш ҳақи ёзилган маълумотнома талаб қилаяпти. Шу тўғрими?*

*У талаба бўлса, бунинг устига ногирон (бир кўзи умуман кўрмайди, иккинчиси эса хира кўради) бўлса, унда қандай иш ҳақи бўлиши мумкин?*

**Қ.СЕЙТМАМБЕТОВА, Беруний тумани**

«Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда ногиронлик бўйича нафақа ногиронлик содир бўлган ҳолларда, яъни Меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганда, фақат биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларга тайинланади ва тўланади, дейилган. Шу билан бирга бундай нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ногиронлик нафақасини тайинлаш тўғрисидаги ариза билан яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этганида, аризага қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак бўлади:

— яшаш жойидан берилган маълумотнома. Унда барча оила аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йиллари, қариндошлик даражаси, нафақа сўраб мурожаат этган шахснинг ҳар бир оила аъзосининг турмуш кечириш манбалари кўрсатилган бўлиши керак;

— ариза берувчи оиласининг умумий даромади тўғрисида маълумотнома;

— ТМЭКнинг ногиронликни тасдиқловчи хулосаси.

Туман ижтимоий таъминот бўлими мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда иш стажи ва иш ҳақи тўғрисида маълумотнома сўраган. Шунинг учун яшаб турган ҳудуддаги фуқаролар йиғинидан оилавий ва мулкий аҳвол тўғрисида маълумотнома олиб, уни туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этишингиз кифоя.

Чунки, ишлаб турган ёки яшашнинг бошқа манбаларига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронларга нафақа тайинланмайди.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза тақдим этилгандан кейин 10 кундан кечикмай кўриб чиқилади.

Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилгандан сўнг 10 кундан кечикмай рад этилганлик тўғрисидаги билдиришни ариза берувчининг қўлига беради ёки почта орқали юборади ҳамда бир вақтнинг ўзида барча ҳужжатларни қайтаради.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарори устидан юқори ташкилотга шикоят қилиш мумкин. Мурожаат этувчи жавобдан қониқмаган тақдирда, низо юзасидан судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар нафақа тайинланган нафақа олувчи I ва II гуруҳ ногиронларнинг иш ҳақи ёки бошқа даромад олаётганликлари аниқланса, нафақа тўлаш тўхтатилади.

## ЧОРА БОРМИ?

*Қишлоқ жойларида, айниқса, куз-баҳор мавсумида фуқароларнинг мол-қуйларининг экинзорларни пайҳон қилиши, дарахтларни еб қўйиши каби ҳолатлар жуда кўп содир бўлади. Бу борада жавобгарлик чоралари қонунда белгиланганини эшитганмиз ҳам. Аммо бу қандай қонун ва у қандай ҳолларда қўлланилади.*

**Л.ЖЎРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон тумани**

Бу каби ҳолатлар учун жавобгарлик чоралари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган бўлиб, унинг 104-моддаси айнан ана шундай ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган. Яъни, унинг талабига кўра, чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар экинзорлар ёки кўчатзорлар ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиладиган бўлса, унда бундай қилмиш учун энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агарда, мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиладиган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ТАСДИҚЛАТИШ МУМКИН

*Мен айни пайтда бетоб бўлганлигим сабабли касалхонада уч ҳафтадан буён даволанаяпман. Самарали тарзда тўла даволаниш учун дори-дармонларни ўз вақтида олиш зарур.*

*Касалхонада ётганлигим учун ўтган ойнинг иш ҳақини ололганим йўқ. Шу сабабли менинг иш ҳақимни олиш учун бирор бир яқин кишимга ишончнома бериб, уни нотариусга ўзим боролмасам ҳам бошқа киши орқали тасдиқлатишим мумкинми?*

**З.ЭШОНҚУЛОВА,**
**Зангиота тумани**

Бундай ишончномани бериш ва уни тасдиқлаш учун нотариал идорага боришингиз шарт эмас. Бунинг учун ўзингиз даволанаётган муассаса бошлиғига, унинг ўринбосари, катта ёки навбатчи шифокорига бундай ишончномангизни тасдиқлаб беришини сўраб мурожаат этишингиз лозим. Фуқаролик кодексининг 136-моддаси талаби бўйича, бундай ишончномалар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, хат-хабарлар, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончномани ҳам даволанишда бўлган муассаса маъмурияти тасдиқлаб бериши мумкин.

## ИМТИЁЗДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ

*Мен тадбиркор сифатида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келаман. Эшитишимча биз каби ишлаб чиқарувчиларга қандайдир имтиёзлар берилибди. Бу қандай имтиёзлар? Шу тўғрида маълумот берсангиз.*

**Р.СОДИҚОВ,**
**Фарғона шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Молия, Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий фаолият, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат солиқ ҳамда Божхона қўмиталарининг 2009 йил 10 мартдаги 32-сонли қарори билан "Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган бўлиб, адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур Низомнинг 1-иловаси ҳам мавжуд бўлиб, унда юқорида тилга олинган имтиёзлар қўлланиладиган товарлар гуруҳининг рўйхати берилган. Агар сиз ишлаб чиқараётган маҳсулот:

тайёр ип газлама (чит ва сатиндан ташқари);

тайёр аралашма матолар;

тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар;

пойабзал ва уни ишлаб чиқариш учун материаллар;

тайёр тикувчилик буюмлари;

бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари);

пайпоқ буюмлари;

тўқимачилик, металл, пластмасса, чарм атторлик буюмлари;

парфюмерия-косметика, санитария ва шахсий гигиена товарлари;

металл идишлар ва ошхона анжомлари;

электр ёритиш жиҳозлари;

мебель учун фурнитура гуруҳидаги товарлар бўлиб, бу каби ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этганда, 2012 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўлиш мумкин. Бу имтиёзлар қуйидаги кўринишда бўлади:

а) қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

маҳсулот реализацияси ҳажмидан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари);

б) ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар, фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини тўлашни (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган даврга кечиктириш.

Лекин шуни унутмаслик керакки, мазкур имтиёздан фойдаланиш муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар корхонанинг янги ишлаб чиқаришларини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришини модернизациялаш, реконструкция қилишга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар, хом ашёларни сотиб олишга, киритилган инвестицияларни, кредитларни қоплашга йўналтирилиши лозим. Бундай маблағлардан ушбу мақсадда фойдаланилмаса, улар белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ўтказиб юборилади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!** Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ниқиқ» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

**Саволларга Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Икром НАРЗИЕВ жавоб берди**

# Трансмиллий жиноят

Одам савдоси муаммоси кейинги пайтларда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, одам савдоси жиноятининг содир этилиши натижасида инсоннинг Конституция, қонун ва халқаро нормаларда «муқаддас», «узвий», «табиий» ва «ажралмас» деб эътироф этилган ҳамда «олий қадрият» сифатида тан олинган дахлсиз ҳуқуқларига тажовуз қилинади. Одам савдоси инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби кабиҳ қилмишлар мужассамдир.

Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказадиган азиз аёлларимиз ҳамда эзгу ишларимизнинг давомчиси бўлмиш ёш авлод — болаларнинг бу жиноят қурбонига айланаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Афсуски, жамиятимизда ҳаётнинг ўткинчи синовларига бардош бера олмасдан, ўзининг келажак авлод олдидаги мажбуриятларини ҳис қилмасдан, бировларнинг енгил-елпи ҳаёт кечиришга қаратилган ёлғон даъватларига, пуч ваъдаларига ишониб, билиб-билмай ножўя ишлар қилиб, ўз шаъни, қадр-қимматини топтаётганлар учраб турибди.

Одам савдоси жиноятининг содир этилиши шахс озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунлар билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан ҳимоя қилинади, лекин қонунларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқнинг бу соҳаси ана шу жавобгарликни қўллаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи нормалар келтирилган бўлиб, улар воситасида шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган.

Ташвишланарли жиҳати шундаки, дунё бўйича одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичининг ўсиши кузатилмоқда. Шу боисдан одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламаётган жиноятларнинг энг хавфлисига айланмоқда. БМТнинг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 мингта одам бундай жиноят қурбонига айланмоқда.

Республикамизда амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиш кўрсаткичи яхшиланмоқда. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 тани ташкил этди.

Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда «одам савдоси» бозорига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, мазкур уюшган жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик «мўмай даромад» миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ҳам ошиб кетаяпти.

Ачинарлиси шундаки, **дунё бўйича одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этмоқда**. Ҳар йили дунё бўйича 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Ушбу турдаги жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, «шаҳвоний» ёки бошқа ғараз мақсадларда ёлланган аёлларнинг асосий қисмини «истеъмол қилувчи» бўлиб Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Исроил, Малайзия, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика каби давлатлар ҳисобланади. Жабрланувчилар ушбу давлатларга Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Украина, Арманистон ва Озарбайжон давлатлари орқали олиб чиқилмоқда. Бу давлатларнинг айримларида Ўзбекистон фуқароларига виза режими жорий этилмаганлиги жабрланувчиларни ушбу давлатлар орқали чет мамлакатларга олиб чиқиб кетиш имкониятларини оширмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Латент сўзи лотинчадан таржима қилинганда «яширин», «кўринмас», «сезилмас» маъноларини англатади. «Латент жиноятлар» дейилганда, содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат идораларига хабар қилинмаган жиноятлар тушунилади. Одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёхуд қонунга хилоф равишда чет элга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига имкон яратади. Шуни таъкидлаш жоизки, одам савдоси жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси анча юқори эканлиги сабабли мазкур муаммо юзасидан бир қанча халқаро қонунчилик нормалари қабул қилинган ва улар чуқурроқ таҳлил қилиниб, такомиллаштирилмоқда. Одам савдосига қарши курашиш масаласи ҳақидаги биринчи халқаро ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган «Аёллардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюциядир. Бундан кўриниб турибдики, бу каби жиноятлардан кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқларига путур етганлиги дунё халқларини ташвишга солган. Шундан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан одам савдоси муаммоларига бағишланган бир қанча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, «Қуллик тўғрисида»ги конвенция (1926 йил 25 сентябрь), «Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида»ги қўшимча конвенция (1956 йил 7 сентябрь),



«Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-конвенция (1930 йил 28 июнь), «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-конвенция (1957 йил 25 июнь), «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенция (1950 йил 21 март), «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённомалар (2000 йил 15 ноябрь) фикримизнинг далилидир.

Республикамиз одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, мустақиллик йилларида давлатимиз хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши курашиш ҳақида 29 та шартнома ва келишувларни имзолаган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида Республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси эса «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш» деб номланиб, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялашга ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган эди. 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди. Чунончи, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий нормалар такомиллаштирилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, мамлакатимизда комплекс равишда амалга оширилиши натижасида одам савдосига қарши курашиш самарадорлиги оширилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, одам савдоси инсоннинг юксак эъзозга лойиқ бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ва шахсий дахлсизлигига таҳдид солувчи жамиятдаги салбий иллатлардан биридир. Бинобарин, энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, қадр-қиммати эканлиги тўғрисидаги тамойил Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун одам савдоси каби салбий иллатларга қарши комплекс равишда кураш олиб бориш лозим.

Азиз аёллар, унутманг, сиз бор экансиз, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор, ҳаёт бор экан, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Ҳаммамизга аёнки, оила соғлом бўлса — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам бўлса — мамлакат барқарордир. Шундай экан, азизларим сизларни яна бир бор келажак авлод олдидаги масъулиятни чуқур англаб, ҳаётга, ён-атрофимизга теран назар билан боқишга, ҳушёрликни қўлдан бой бермасликка чорлаб қоламан.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА,**
**ҳуқуқшунос**



# Қалтис савдолар

**Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири, шубҳасиз, одам савдосидир. Бу муаммо дунёнинг бошқа давлатлари қатори бизни ҳам афсуски, четлаб ўтгани йўқ.**

Зуҳра баҳор кунларининг бирида Фозила исмли аёл билан танишиб қолди. Улар тез орада яқин танишлардек бўлиб қолишди. Бир куни Фозила Зуҳрага телефон қилиб, хотин-қизларни Бирлашган Араб Амирлигига ресторанларда ишлаш учун олиб бораётганини айтди ва:

— Сен ҳам борасанми, каттагина иш ҳақи бераркан? — деб қизнинг кўнглига қўл солди.

Бундан хурсанд бўлган қиз:

— Катта маош берса бораман, — деди. Сўнг: — Ўзим билан бирга дугонамни ҳам олиб борсам бўладими? — деб сўради.

Фозила рози бўлди. Бундан қувонган Зуҳра дугонаси Мавлудага қўнғироқ қилиб, чет эллаги иш ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди ва уни ўзи билан бирга боришга таклиф этди.

Шундан сўнг улар келишилган жойда учрашишди. Фозила Зуҳра ва унинг дугонаси Мавлудани бир уйга бошлаб борди. У ерда қизларни она-бола Норбиби ва Нилуфар исмли аёллар кутиб ўтиришарди. Улар қизларга бошдан-оёқ разм солишгач, йўл-йўриқ кўрсатган бўлишди.

— Сизларни олдинига Тошкентга олиб борамиз. У ерда бир-икки кун турасизлар. Сўнгра Дубайга юборамиз, ресторанда ишлайсизлар.

Қизларга «маълумотлар» бериб бўлингач, Норбиби Фозилани алоҳида хонага чақиртириб: «Қизларни фоҳишалик қилиш учун олиб кетамиз», деди. Буни кутмаган Фозила секин чиқиб Зуҳрага чет элда нима иш билан машғул бўлиши ҳақида айтиб берди. Ўзи эса қизларни аёллар билан бирга қолдириб, қаергадир бориб келди. Фозила қайтиб келгач, Зуҳрани олиб, онасидан рухсат сўраб келамиз, дея чиқиб кетди ва тегишли органларга мурожаат қилишди.

Ўша куни Норбиби ва Нилуфар қизларнинг паспортларини олиб, ўзларини машинага ўтқазиб, Тошкент қайдасан деб йўлга тушишди. У ерда уларни Фаррух исмли йигит кутиб олиши ва қизларга ўз ёнидан чипта сотиб олиб, Бирлашган Араб Амирлигига юбориши керак эди. У ёқда эса Фаррухнинг опаси Фотима қизларни жой билан таъминлаб, фоҳишалик қилишга жалб этиш режасини тузишганди. Аммо, ушбу жиноий гуруҳнинг режаси «Чўпонота» ЙПХда барбод бўлди. Тошкентга йўлга чиққан машина вилоят ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Суд ҳукмига кўра Фаррух Нуриманов 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Агар ҳушёр бўлмаганларида, мўмай даромад илинжида алдовларга ишониб кетаётган қизларнинг тақдири нима бўларди? Уларнинг ёш бошларига бегона юртларда не савдолар тушарди? Азизлар, гулдан нозик қизларимизни авайлаб-асрайлик! Уларни чет элларда сарсон-саргардон бўлишларига йўл қўймайлик!

**Музаффар ҚИЛИЧЕВ,**
**Самарқанд шаҳар прокурори ўринбосари**

# КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

## ёхуд яна жамоат транспорти хусусида



Истиқлолга эришганимиздан сўнг деярли барча соҳаларда қилинган ва қилинаётган бунёдкорлик ишлари-ю ислоҳотлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар олиб, танишиб турибмиз. Мақоланинг бу тарзда бошлангани айримларга эриш туюлиши мумкин. Нимаям дердик, ҳамманинг ўз дунёқараши-ю шахсий фикри бор.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эзгу мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган бу ислоҳотлар биринчи галда фуқароларнинг манфаати учун хизмат қилиши белгилаб қўйилган. Амалда ҳам худди шундай йўл тутилаётганини кўриб турибмиз. Мисол тариқасида биргина транспорт тизимини олиб кўрайлик.

Яқин ўтмишда нафақат вилоятларда, балки пойтахтимизда ҳам эски, шалоғи чиққан автобуслар ҳаммаёқни тутунга буркаб юрар, салондаги ҳиддан эса кўнгил беҳузур бўлар эди. Устига-устак, аксарият йўллар талаб даражасида эмаслигидан турли кўнгилсизликлар учраб турарди.

Бугун ундай эмас. Транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўнқир-чўнқир йўллар ўрнида текис ва равон магистраллар пайдо бўлди. Мамлакатимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунга келиб Ўзбекистон автомобиль йўлларининг сифати жиҳатидан МДҲ давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирида туради. Шунингдек, Ўзбекистон бу соҳага оид ўндан зиёд халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилиб, ўттиздан зиёд давлатлар билан халқаро автомобиль алоқаси тўғрисида битим имзолаган.

Жаҳон андозаларига мос тарздаги кўприкларнинг қурилиши натижасида эса чорраҳаларда доимий равишда бўлиб турадиган тирбандликларга ҳам маълум даражада чек қўйилди. Қолаверса, юртимизда ишлаб чиқарилиб, кўчаларимизни тўлдириб юрган турли-туман автомашиналарни кўриб, кишининг баҳри дили очилади. Айниқса, уларнинг қаторига замонавий, ҳар томондан қулай автобусларнинг қўшилиши ҳамюртларимизнинг кўнглидаги иш бўлди десак, муболаға бўлмас. Бунинг учун ҳукуматимиз раҳбарларидан, тегишли соҳа мутасаддиларидан миннатдор бўлсак арзийди.

Аммо... Аммо, ана шундай қулайликларга эга бўлган ҳолда, ўзига топширилган вазифани лозим даражада бажармаётган айрим кимсалар ҳам учраб турибдики, уларга на гап ва на танбеҳ таъсир қилади.

Зукко газетхон сезиб турган бўлса керак, ушбу мақола жамоат транспорти ҳақида. Албатта, бу ҳақда кўп ёзилди, ёзилганда ҳам хўб ёзилди ва ёзилмоқда. Афсуски, уларнинг аксарияти танқидий руҳдаги мақолалардир.

«Бу ҳақда роса ёзилган экан, яна ёзишнинг нима кераги бор? Ахир яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи деб бекорга айтилмаган-ку», дерсиз! Майли, нима бўлганда ҳам, битта бўлмаса иккита ёки учта «қамчи»дан кейин ижобий томонга озгина бўлса-да ўзгариш бўлади дея умид қилиб қоламиз.

Бундан икки ҳафтача олдин, якшанба куни кенжа ўғлим билан Чорсу бозорига тушдик. Бозор-ўчар қилиб, бекатдан 132-маршрутли автобусга чиқдик. Автобус Хадра бекатига келиб тўхтагач, йўловчилар тушиб чиққандан кейин ҳам нима учундир юравермади. Ҳайрон бўлдим. Одатда автобус ҳайдовчилари катта бекатларда йўловчи кутиб гоҳида беш-ўн минутлаб туриб қолишларини кўп кузатганман. Аммо Хадрада бундай аҳволни биринчи марта кўришим. Бундай пайтда ҳайдовчиларга танбеҳ бериш бефойда. Графикни пеш қилишади. Шунинг учун ҳамма қатори кутиб ўтиравердик. Бир маҳал автобус ўрнидан қўзғалди-ю кескин тўхтади. Кейин яна озроқ юриб тўхтади. Салонда ғала-ғовур бошланиб, йўловчилар ташқарига қарай бошлашди. Нима бўлди экан дея, мен ҳам ўша томонга юзландим. Қарасам, биз ўтирган автобус билан 32-маршрутли автобус бир-бирининг йўлини тўсиб «ўйин» қилишаяпти. Агар улар бу ишни йўловчи талашиб қилишаяпти десам, мантиққа тўғри келмайди. Сабаби, 132-маршрут «Бунёдкор» (собиқ «Халқлар дўстлиги») кўчаси билан тўғрига, «Чилонзор» томонга кетса, 32-маршрутли автобус бир бекатдан кейин чапга бурилиб, «Бешёғоч» майдони томонга юради.

Шу пайт биз ўтирган автобус яна «ғийқиллаб» тормоз босганча, кескин тўхтади. Қарасак, «рақиб» автобус йўлимизга деярли кўндаланг туриб олибди. Йўқ, бизнинг ҳайдовчи «профессионал»лигини намоён қилиб, шартта чапга бурилди-да, йўлни тиккасига кесиб ўтиб, кўприк остига олиб борадиган йўлга тушиб, газни босди. Ҳайдовчининг ёнидаги чипта сотувчи йигитча эса ойнадан ғолибона боқиб, бир нималар деди. Назаримда ҳайдовчига тасанно айтди-ёв! Биз ҳам ҳайдовчимизнинг маҳоратига «қойил» қолиб ўтирибмиз. Автобус кўп юрмай, ўнгга бурилиб, яна ўзининг йўлига чиқиб олди-да, чорраҳани кесиб ўтиб тўхтади. Ўғлим билан автобусдан тушиб, беихтиёр ҳайдовчига қарадим. Одатда бундай «ўйин»ларга ёш ҳайдовчи йигитчалар ишқибоз бўлишади. Бироқ, не кўз билан кўрай-ки, рулда ўрта ёшлардаги киши ўтирибди!

Ана сизга ёшларга ўрнак бўладиган ёшдаги «устоз»нинг қилмиши?! Шу пайт автобуснинг шундоққина ёнида тўхтаган «Тико» автомашинасидан ЙҲХХ ходими шошилиб тушди-да, автобус ҳайдовчисининг ҳужжатларини сўрай бошлади. Мазмунан у Хадрада ушбу воқеанинг гувоҳи бўлгану орқамиздан қувиб келган. Уйга йўл олар эканмиз, ўғлим ушбу ҳолат бўйича саволларни қалаштириб ташлади. Унга қўлдан келганча жавоб бердим. Бироқ хаёлим икки «ас»нинг қилмишида эди. Шукрки, уларнинг «ўйинидан ўт чиқмади». Акс ҳолда... Худо асрасин.

Албатта, кўча тасодифларга тўла. Озгина эҳтиётсизлик ҳам мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар ўшанда тўқнашув юз берганда нима бўларди? Майли, автобуслар темир нарса, тузатса бўлади. Йўловчилар-чи? Бирортасига шикаст етса-чи? Уларда нима айб?

Эртасига ишхонага келгач воқеани ҳамкасбимга айтиб бердим.

— Э-э, бунақа «авторалли»ларни кўраман десангиз, «Кичик ҳалқа йўли»даги 10 билан 88 маршрут автобусларнинг кимўзарга пойга ўйнашини кўринг! — куюнчаклик билан фикримга қўшилди ҳамкасбим. — Айниқса, «пик» пайтдагиларини? Юрак олдириб қўйганман. Кўпинча уйга такси ушлаб кетаман. Тағинам Худо асрайди...

— Улар-ку, кўпроқ мижоз олиш учун бундай қилишади, — гапга аралашди яна бири. — Сизларга икки йилча олдин бўлиб ўтган воқеани айтиб берайми? Хуллас, ишдан эндигина келган эдим. Қўнғироқ қилиб қолишди. Дадамнинг тоблари қочибди. Тезда етиб бордим. Дадам кўрпа-тўшак қилиб ётибдилар. Маълум бўлишича, у киши автобусга чиқмоқчи бўлиб, энди бир оёқларини қўйганларида ҳайдовчи газни босган. Дадам ўзларини ўнглай олмасдан йиқилиб, ҳушларини йўқотганлар. Бундай ҳодиса сизу биз билан бўлса майли, ёшмиз. Ўзимизни ўнглаб оламиз. Аммо ёши олтмишдан ошган одамнинг орқа томонга йиқилишини тасаввур қилиб кўринг?! Агар болали аёл бўлса-чи?

Хуллас, ҳайдовчи тўхтамасдан жуфтакни ростлаган. Янглишмасам, 34-маршрут экан. Ўша ердаги одамларнинг ёрдамида дадам ўзларига келиб, уйга йўл олганлар. Аввалига ҳеч кимга айтмаганлар. Кечга бориб аҳволлари оғирлашгач, уйдагилар врач чақиришган экан. Бошлари чайқалиб, бўйинларига махсус бўйинтутгич ўрнатиб қўйишди. Анча вақт шундай юрдилар, Ахир бу воқеада дадамнинг айблари йўқ-ку? Ҳайдовчини топаман десам, «қўй болам, инсофни ўзига берсин», деб унамадилар. Ахир ҳайдовчи йўловчилар автобусга чиқиб бўлгандан кейин, эшик ёпилгач ўрнидан қўзғалмайдими?..

Афсуски, ҳамкасбларим ҳақ. Тўғри, кўпинча автобус ҳайдовчилари планни бажариш қийинлигини рўкач қилишади. Бироқ планни бажараман дея бировларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш тўғримикан? Ундай бўлса, яқинида мактаб, лицей билан коллеж ёки институт жойлашган бекатларда тўхтамай кетадиган автобусларнинг қилмишини қандай изоҳлаш мумкин? Ёки кечки соат 20 дан кейин айрим автобусларнинг ойлик йўл чиптаси ўтмайди дея йўловчиларни саралаб олишларига нима дейсиз? Ваҳоланки, тепасига қайси маршрутда юриши аниқ ёзиб қўйилган. Бунинг сабаби оддий. Бундай бекатлардан чиқадиган йўловчиларнинг тахминан 80 фоизида ойлик йўл чипталари бўлади. Шахсан ўзим тўрт-беш марта салон оралаб юрган чиптачиларнинг ойлик йўл чипталарини кўриб, энсалари қотганча, гоҳ пичинг қилишларини, гоҳида эса норози оҳангда тўнғиллашларининг гувоҳи бўлганман. Албатта, бундай ҳолатда биринчи навбатда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларига алоҳида, бошқа талабаларга алоҳида, умумийси алоҳида, пенсионерлару ногиронларга алоҳида ойлик йўл чипталарини йўлга қўйиб, йўловчиларга маълум даражада енгиллик яратиб қўйган мутасаддилардан миннатдор бўлишимиз керак. Чипта сотувчиларнинг норозилиги эса бошқа масала.

Шундай бўлса-да, хоҳ у автобус, хоҳ троллейбус ёки трамвай бўлсин, энг кўп кузатиладиган ҳолат пенсионерлар билан чипта сотувчиларнинг ўртасидаги зиддиятлардир. Бир томондан олганда чипта сотувчиларнинг даъвоси тўғри. Деярли ҳар бир жамоат транспортининг салонида кимлар имтиёзли юриши мумкину, кимлар йўл ҳақини тўлиқ тўлаши шартлиги кўрсатилган йўриқномалар осиб қўйилган. Қолаверса, юқорида айтганимиздек, айнан пенсионерлар учун мўлжалланган ойлик йўл чипталари бор бўлса! Албатта, уни харид қилиш ҳар кимнинг шахсий иши. Ҳеч кимни мажбурлаб бўлмайди. Йўл ҳақини эса тўлаш шарт. Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, буни ҳам унутмаслик керак. Дейлик, бир пенсионер бозор-ўчар қилиб уйига қайтмоқда. Ёнида бор-йўғи икки юз сўм пули қолган. Бўлиши мумкинми? Мумкин. Бундай ҳолат ҳар биримиз билан ҳам бўлиши мумкин-ку! Чипта сотувчи ундан пулнинг қолганини ҳам сўрайди. Пенсионер бошқа пули йўқлигини айтади. Ана энди жанжални кўринг. Бу нарса ён-атрофдагиларнинг асабига тегмайдими? Кўпинча бу воқеага гувоҳ бўлганлардан айримлар ёнидан пул чиқариб беришади. Ҳайратланарлиси, чипта сотувчилар уларнинг пулини индамай олишади-да, яна ўша пенсионерга қараб, «Манави одамга раҳмат денг. Сиз учун йўлкира тўлади», дея миннат ҳам қилиб қўйишади.

Айтмоқчи, ўрни келганда айрим чипта сотувчилар ҳақида. Ўтган ҳафта 103-маршрутли автобусга чиққан эдим. Салонда уч-тўрт йўловчи бор, холос. Автобус эндигина ўрнидан қўзғалган ҳам эди, олд томондан бақирган овоз эшитилди. Қарасам, ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиқда 18-19 ёшлардаги йигитча деярли ёнбошлаганча, қўл телефонида ким биландир сўкиниб гаплашмоқда. Кейинги бекатга келгач, йигитча ойнадан бошини чиқариб, автобуснинг қаерларгача боришини айтиб бақира бошлади. Бир маҳал унинг кўзи автобусга келаётган қизчаларга тушди-ю, ўзгарди-қолди. Қизлар автобусга чиқишгач, чипта сотиш ҳам ёдидан чиқиб, то улар тушадиган бекатгача ёнларидан жилмади. Овози ҳам чиқмай, пичирлашга ўтди. Ҳаммадан ҳам унинг ўзига ярашмаган ҳолда қийшанглашига кўпчилик «беш» кетди. Қизчалар автобусдан тушишган заҳоти эса яна эски ҳолига қайтиб, бақириб-чақиришга тушди.

Очиғини айтганда, бундай ҳолатлар ягона эмаслигини таъкидлаган ҳолда унга ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида танбеҳ бериш ноқулайдек. (Агар янглишмасам ўзини тутишидан кўриниб турибдики, бу йигитча ҳеч қанақа чипта сотувчи эмас. Ҳайдовчининг бирорта оғайниси бўлса керак). Ундан ташқари қаерда ва қандай юриш ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо жамоат транспорти ўз номи билан жамоат транспорти деб қўйилибди. Бу ерда ҳар хил бачкана қилиқлар қилишу оғиздан маза-бемаза сўзларни чиқариш ярамайди. Айниқса эркак кишига!

Тан олиш керак, ҳайдовчилар билан чипта сотувчиларнинг ҳаммаси бир хил эмас. Уларнинг орасида ўз касбига меҳр қўйган, хушмуомалалик билан вазифасини бажарадиганлари ҳам шукрки, анчамунча топилади. Бундан ташқари, биз — йўловчилар транспортга чиқиб, керакли манзилда тушиб қоламиз. Улар эса эрта тонгдан кечгача неча юзлаб одамларга, турли характердаги инсонларга дуч келишади. Ҳамманинг ҳам кўнглини топиш осон бўлмаганидек, асаблар ҳам темирдан эмас. Шундай бўлса-да, ўзбек халқ мақолларидан бирида айтилганидек, «ширин сўз — шакар, аччиқ сўз — заҳар» эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Ғофуржон АЛИМОВ,**
**«Ниqиq» мухбири**

# ВИЖДОНИНИ ПУЛЛАГАН НОТАРИУС



У заводдаги ишидан бўшагач, Қувадаги отасининг ҳовлисига кўчиб кетган, шаҳарнинг Қиргули мавзесидаги уйига ҳар замонда хабар олгани келиб турарди. Икки хонали уйни корхонада ишлаб юрган кезлари беришган, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида хусусийлаштириб олган эди. Ўғлини уйласа, уй тайёр, шаҳарда яшайверади.

Дўстининг илтимоси билан «Тико» машинасида Фарғонага келган куни уйдан хабар олиб қўйиш учун Қиргулига йўл солди. Марғилон кўчасидаги 66-«а« уй, 34-хонадони эшигининг қулфига калитини солди. Калит қулфга тушмади. Ҳайрон бўлиб қўшниларидан суриштирди.

— Уйингизни сотгансиз-у!

— Сотганим йўқ.

— Битта аёл уйини сотиш учун менга ишончнома берган, деб кимгадир сотди шекилли...

Сирожиддиннинг жони халқумига келди. Уйни сотиш тушига ҳам кирмаган! Дарғазаб бўлиб подъезддан чиққанида уй-жой мулкдорлари ширкатининг раиси ўтиб бораётган эди.

— Ҳалима опа, эшигимга биров бошқа қулф ўрнатиб олибди.

— Ижарачига бермаганмисиз?

— Йўқ, ҳеч ким турмайди. Қўшни чақиришяпти. Вақтиз бўлса, бирга учраб, гаплашиб олайлик.

— Уйимнинг олдидаман, келаверинг.

Сирожиддин оғайниси Мажидхон билан Қиргулидаги Милиция мактаби ёнида Халима опани учратди. У билан бирга Умиданинг хонадонига кириб боришди. Тўрт нафар аёл кутиб олишди.

— Уй сизникимиди, — деди Арофат исмли аёл, — Бу уй сотилиб Арофатга телефон қилишди.

— Ўзи келса, рўпара қилиб кейин нусха берамиз,—дейишди.

У нотариал идорага икки кун қатнади. Арофат келмади. Шундан сўнг Бунёджон унга ҳужжатнинг нусхасини беришга мажбур бўлди.

Ҳужжатда «Ишончнома» Марғилон шаҳридаги Нотариал идора томонидан тасдиқлангани кўрсатилган эди. Орадан икки-уч кун ўтгач Сирожиддин ИИБ паспорт бўлинмаси ходими Маъмурахон билан Марғилон шаҳри «Гўраввал» бозори ёнида жойлашган нотариал идорага борди.

— Ҳа, мен тасдиқлаб берганман, — деди нотариус Дилрабо Маъруповa. — Нима бўпти?

— Мен ҳеч кимга ишончнома берганим йўқ-ку!

Нотариус сир бой бермади.

— Ўзингиз Арофатхон билан бирга келгансиз. Имзо чеккансиз.

— Идорангизни энди кўряпман.

— Уй олди-сотдисида бу одамнинг хотинининг розилигини олганмисиз?— сўради паспорт бўлинмаси ходими.

— Хотини келиб розилик бериб кетган, — нотариус ёлғонни ямламай ютди. Сир фош бўлаётганига ақли етиб, муроса йўлига ўтди.

— Бўлмаса, ариза ёзинг, ишончномани бекор қилиб бераман,—деди Сирожиддинга.

У аризани ёзганидан кейин ўзини Улуғбек деб таништирган йигит «Арофатхон Муллажоновани топиб келинг» деди.

— Сен ўзинг кимсан? — Сирожиддин жаҳл билан унга хезланди. Йигит нотариус аёлга «буёққа юринг», деди. Иккаласи ташқарига чиқиб, нимандир маслаҳатлашишди.

Нотариус «ишончнома»ни бекор қилишни атайин пайсалга солиб вақтни чўзди. Бунинг боиси кейин маълум бўлди. «Ишончнома» бекор қилингани тўғрисидаги ҳужжатни топшираётганида идорага Арофат етиб келди. Паспорт бўлинмаси ходимига «нимага сиз ўртакашлик қиляпсиз» деб тупугини сачратди. Жанжал-тўпалон кўтарди. Сирожиддин қўлида нотариус тасдиқлаган Ишончномани бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат билан Маъмурахонни ташқарига олиб чиқиб, машинасига ўтқазди.

* * *

Илҳомжон Саткинов Марғилон шаҳрида акасининг уйида турар эди. Уй торлик қилиб, квартира излашга тушди. Танишларидан бири уни Умидахон исмли аёлга рўпара қилди. Аёл уч-тўрт кундан кейин телефон қилинг, деди.

Бир неча кун ўтиб унинг ўзи қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Сотиладиган уй бор, — деди. Қиргулининг Марғилон кўчасидаги 66-кўпқаватли уй ёнида Илҳомжонни Умидахон, Арофатхон ва унинг ҳайдовчиси Азамат билан кутиб олишди. Уйнинг 66-хонадонига бошлаб киришди.

— Шу уй, — деди Арофат.— Бўлиши икки ярим миллион сўм. Ошхонада газ плитаси йўқ. Келишсак, плитани ўзим олиб бераман.

— Бўпти,— деди Илҳомжон.

— Расмийлаштириши бор, ҳозир қўлим калтароқ, — деди Арофат. — Ярмини берсангиз...

— Ёнимда бунча пул йўқ.

Илҳомжон машинасидан 100 минг сўм олиб берди. Уч-тўрт кун ўтиб Арофатга яна бир миллион уч юз минг сўм элтиб берди. Бир миллион тўрт юз минг сўм олгани ҳақида тилхат ёздириб олди. Гувоҳлар ҳам имзо чекишди. Илҳомжон Самарқандда юрганида қўлига Арофат телефон қилди.

— Нотариусда олди-сотдини расмийлаштириш керак,— деди.

— Аям учрайди сизга.

Илҳомжон аясига телефон қилиб 1 миллион 100 минг сўм пул билан Қиргулидаги нотариус идорасига бориб учрашишини тайинлади. Қиргулидаги нотариусхонада Арофат гўё уй эгаси Сирожиддин Ҳайитов берган, нотариал тасдиқлаган ишончнома орқали олди-сотди шартномасини туздириб нотариал тасдиқлатди. Қолган пулни санаб олиб, уйнинг калитини топширди.

Илҳомжон Самарқанддан қайтгач, уйни таъмирлаб, кўчиш ҳаракатига тушди. Бироқ уйга бориб эшикни очолмади. Биров қулфини алмаштирибди. Суриштириб, Сирожиддин Ҳайитовга учради. У уй ҳужжатларини кўрсатди. Илҳомжон чув тушганини сезиб, Арофатни топди. У билан Марғилондаги нотариус идорасида учрашди.

— Пулимни қайтариб беринг,— деди Илҳомжон Арофатга нотариус хонасида учаласи холи қолганларида.

— Минг долларни мен тўғрилаб бераман, мингини сиз топинг,— деди Арофат нотариусга.

— Мен қатдан топаман, — Дилрабо Маърупова тутоқди. —Ўзларинг пиширган ош, нима қилсаларинг, қилаверинглар!

Айнан ўша кунлари Арофат Муллажонова нотариус Дилрабо Маърупова билан «гапни бир жойга қўйиб» ўн беш миллион сўмлик битта уйни юқоридагидай йўсинда жиноий шериклари Азамат Ибрагимов номига қалбаки ишончнома тузиб, нотариал тасдиқлаб, арзон-гаров пуллаб юборишган эди. Фуқаро А.Гачадзе Қиргули даҳаси, Станников кўчаси, 7-уйнинг ўзига тегишли 23-хонадонини бошқа бир шахс ноқонуний эгаллаб олгани, Азамат деган одам уйини бировга сотиб юбориб, нотариусда тасдиқлатгани ҳақида шаҳар прокуратурасига ариза ёзиб берди. Ушбу ариза ўрганилиб, бировларнинг уйларини сотишни касб қилиб олган А.Муллажонова, унинг жиноий шериги, Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасининг нотариуси Дилрабо Маъруповага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов мобайнида нотариус фуқароларнинг гўё ўз уйларини сотиш учун ўзга шахсларга беришган, нотариус Д.Маърупова «улуши»ни олиб, қонунга зид тарзда тасдиқлаб юборган «ишончномалар»нинг сохталиги аниқланди.

Хатшунослик экспертизаси хулосасида баён этилганидек, ишончномалардаги жабрланувчи С.Ҳайитов ва А.Гачадзеларнинг имзолари қалбаки эди. Суд мажлисида нотариус Д.Маърупованинг айби тасдиқланиб, қилмишига яраша жазо тайинланди.

**Умиджон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Фарғона шаҳар прокуратураси терговчиси.**
**Шерзод МАҲМУДОВ,**
**Фарғона шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси**

# Чўктирилган «Тико» сири

Одатдаги кунларнинг бирида Исроил (исмлар ўзгартиб берилмоқда) Ботирга «Орифни топиб ҳар доимги жойга келинглар, зўр режа бор» деб телефон қилиб қолади. Келишилган вақтда уч оғайни учрашдилар. Уларнинг суҳбати узоқ давом этди. Бир қарорга келганларидан сўнг ўзаро қўл сиқишиб тарқалишди. Кетар чоғларида Исроил Юсуф ҳақида эслаб қолди.

— Уни аралаштирма, у ҳали бола-ку, — деди Ботир.

— Яна битта ёрдамчи зарар қилмайди, —- унинг гапини кесди Исроил. — Юсуф дала жойларни яхши билади.

Эртаси куни кечга яқин улар Юсуф яшайдиган Зангиота тумани «Чиғатой-Оқтепа» қишлоғига боришди. Йўқлаб келган «окахонлари»ни кўриб боши кўкка етган Юсуф «Ифторлик бор экан, шунга кетаяпман» деганча уйидан чиқиб кетди. Уйидагиларнинг ҳеч бири «кеч бўлганда қаёққа кетаяпсан, келганлар ким?» деб сўрамади.

Юсуфнинг оғзидан чиққан гапдан сўнг Ботир билан Ориф бир-бирига маъноли қараб олишди. Кўча бошига чиқиб Исроил Юсуфга режа ҳақида гап очганида, Ботир «шу ишни рамазондан кейинга қолдирсак-чи» дегандай гап қилди. «Ҳар қалай, Рамазон ойи. Рўзадор бўлмасак ҳам бунақа ишларни қилмай турсак...»

— Туппа-тузук домла чиқаркан сенлардан, — киноя қилди Исроил. — Ҳозир айни вақти. «Ифторлик борди, фалон жойга олиб бориб қўйинг», десанг ҳар қандай киракаш суриштирмай айтган жойингга кетаверади. Яна ўйлаб кўринглар, бошқа пайт қийин кечади бу иш.

— Мен розиман, — деди Юсуф ўртага тушган жимликни бузиб. — Фақат қандай қилиб...

Исроил «кўрсатиб қўйинглар унга» деган эди, Ориф чўнтагидан сим арқон чиқариб Юсуфнинг бўйнига ташлади. Исроилнинг ўзи эса чаққонлик билан унинг қорнига пичоқ тиради. Буни кутмаган Юсуф, аввалига каловланиб қолди, сўнг бу бир «репетиция» эканига тушуниб «қойил» деб юборди. Хуллас, жиноий гуруҳга вояга етмаган Юсуф ҳам қўшиб олинди.

Улар Зангиотада «ўлжа» кутиб анча туриб қолишди. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидан ўтувчи автомобил йўлининг «штаб» бекатига келишганларида эса тун ярмига оға бошлаган эди.

Ёнларига келиб тўхтаган оппоқ «Тико» уларни хушёр торттирди. Машина деярли янги, ҳайдовчиси ҳам ёш йигит.

— Чинозга, — шундай деб Исроил шерикларига ишора қилди. Ўзи олд ўриндиққа, Ориф ҳайдовчи ўриндиғи орқасига ўтирди. Сўнг Ориф, Юсуфлар ҳам жойлашиб олишди.

Тошкент билан Чинознинг ораси бир қадам. Ҳаш-паш дегунча Чиноз туманининг пахта далалари бошланди. Исроил телефонда гаплашиб олиш баҳонасида ҳайдовчидан четроққа ўтиб тўхташни сўради. Машина тўхтаган пайтда ҳайдовчи ортида ўтирган Ориф сим арқонни унинг бўйнига ташлайман деб мўлжалдан адашди: трос ҳайдовчининг бўйнига эмас юзига илинди. Шунга қарамай Ориф бор кучи билан сиртмоқни торта бошлади.

Машина эгаси анча абжир экан, сиртмоқдан чиқиб кетиш учун ҳаракат қила туриб бир қули билан Орифнинг сочидан чангаллаб олди. Исроил пичоқ билан ҳайдовчига ташланди... Қолганлар унга қўшилди. Ҳушини йўқотган ҳайдовчини кўплашиб машинадан тушириб, ўлганига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг пахта пайкаллари орасига кўмиб ташлашди.

Исроилнинг суд терговидаги иқроридан: «300 доллар қарзга ботиб қолдим. Қутулишнинг чорасини тополмадим. Шундан сўнг кира қилиб юрган машиналарни топиб, Қозоғистонга олиб бориб сотишга қарор қилдик... Машинани Қозоғистонга олиб чиқишни Ориф бўйнига олган эди».

Қотиллар марҳум ҳайдовчининг ёнидан чиққан пул, қўл телефони ва «Тико»нинг ҳужжатларини чўнтакка уриб йўлга чиқишади. Аммо айланма йўллар орқали Қозоғистонга чиқиб кетишолмайди. Ноилож қолган жиноятчилар «Тико»ни «Дамариқ» каналига чўктириб юборишдан бошқа чора топишолмайди.

Шу билан жуда оғир жиноят яширилиб, «ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолган» эди, гўё. Лекин бундай бўлмади: Жиноятчилар қисқа муддат ичида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг ҳукми билан И.Алимов, О.Икромов, Б.Икромов ва вояга етмаган Ю.Фозиловлар қилмишларига яраша жазога тортилди.

«Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман», деган экан алломалардан бири. Ҳеч ким фарзандининг кимлар билан дўст тутинаётгани, қандай ўй-хаёлларда юрганига эътиборсиз бўлмасин деган умидда бу жиноят тафсилотини ёздик.

**Бекмурод ФОРИҚОВ,**
**Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси**

# XX АСРНИНГ БУЮК ЮТУҒИ

Маълумки, халқаро ҳуқуқ бутун дунё халқлари, миллат ва элатлар манфаатини эътиборга олган ҳолда, барчанинг тенглиги ва камситилмаслиги, осойишта ва тинч ҳаёт кечириши, етарли турмуш даражасига эга бўлиши, фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиши, инсонларга хос шаън, қадр-қиммат, ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларнинг тан олиниши ва ҳимояланганлигини, жинслар тенглиги, сўз ва виждон эркинлиги таъминланишини кўзда тутади.

Халқаро ҳуқуқнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлган, барча давлатларнинг олдига муҳим талаб сифатида қўйиладиган масала — инсон ҳуқуқларининг ҳимоясидир. 20-асрнинг энг буюк ютуғи, инсоният тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилганидир, десак янглишмаймиз.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларга киришар экан, унгача бўлган норма ва принциплар билан тўқнаш келади. Муайян давлат ўзининг ички сиёсати, тарихий мавқеи, ташқи сиёсат принциплари ва халқаро ҳуқуқ бўйича тажрибасини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ билан муносабатга киришади. Шу билан бирга, анъанавий тарзда бажариладиган халқаро ҳуқуқ нормаларига барча давлатлар амал қилиши лозим.

Сир эмас, бугунги кунда муайян давлатларнинг обрў-эътибори, мавқеи унинг инсон ҳуқуқларига риоя этишига қараб белгиланади. Халқаро ҳуқуқ ҳам, миллий ҳуқуқ ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлигини ва уни таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш давлатларнинг мажбурияти эканлигини эътироф этади. Инсон ҳуқуқлари фақат қонунда белгиланган тартибда, айбсизлик презумпциясига амал қилган ҳолда чекланиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг ҳукм ва қарорларини барча, жумладан, давлатнинг ўзи ҳам бажариши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонун доирасида чеклаш эса фақат одил судлов томонидан амалга оширилиши лозим. БМТ қабул қилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўплаб қоидалари давлатларнинг ички ҳуқуқида ўз аксини топган. Халқаро ҳуқуқ нормалари давлатларга ўзига хос мажбуриятлар ҳам юклайди.

Бугун Ўзбекистон чуқур ҳуқуқийислоҳотларни бошдан кечирмоқда. Ислоҳотлар миллий Конституциянинг қабул қилиниши билан бошланган десак, муболаға бўлмайди. Чунки халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги ҳақидаги қоида айнан конституциямизда ўз аксини топган. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самараси сифатида ярашув институтининг жорий этилишини, Ўзбекистон Президентининг «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Шуҳрат НАСУЛЛАЕВ,**
**Қамоққа олинганларни сақлаш ва ЖИЭМда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий прокурори**

## Жиноятчи байкерларга қарши кураш



Испанияда «Дўзах фаришталари» номли байкерлар гуруҳининг 22 нафар аъзоси ҳибсга олинди. Ҳибсга олиш жараёни мамлакат бўйлаб давом этиб, байкерлар Барселона атрофи, Мадрид, Валенсия, Малага шаҳарларида ҳамда Канар оролларида ушланди. Улар рэкет, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси ҳамда қурол-яроғ сақлаш жиноятида айбланмоқда.

Испаниянинг «Дўзах фаришталари» гуруҳи АҚШ ҳамда бошқа давлатлардаги худди шу номли жиноий гуруҳлар билан доимий равишда алоқа қилиб келган. Дастлаб шу номли байкерлар гуруҳи 1948 йилда Калифорнияда пайдо бўлган эди.

2003 йилда АҚШнинг турли штатларида «Дўзах фаришталари»нинг 50 нафардан ортиқ аъзоси ҳибсга олинганди. Суд жараёни давомида айбловни қувватлаётган томон мазкур гуруҳ балан дпарвоз номига қарамай, пухта шаклланган эканлигини исботлаб берган.

2009 йилнинг 16 апрелида Канадада айни шу гуруҳ маҳаллий бўлинмасининг 156 нафар аъзоси ушланган. Уларга гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, қотилликлар ва бошқа қонунбузарликларни содир этганлик айблови қўйилган, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

## УСТУННИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШМАСА...



Чоршанба куни Шимолий Корея Жанубий Кореяни икки давлат чегара ҳудудида ҳарбий провокацияларни уюштирганликда айблади. «Марказий Корея янгиликлар агентлиги»нинг хабар беришича, Жанубий кореялик ҳарбийлар Шимолий Корея ҳудуди яхлитлигига таҳдид қилиб, чегара устунини суриб қўйганлар.

КХДР Жанубий Корея ҳукуматига мурожаат қилиб, сурилган устунни дарҳол ўз жойига қайтаришни талаб қилиб, акс ҳолда кескин чоралар қўллашга мажбур бўлишини маълум қилди.

Эслатиш жоизки, Шимолий Корея томонидан янги ракета синовларининг амалга оширилганлиги БМТ хавфсизлик кенгаши томонидан кескин танқид қилинди. Бироқ, расмий Пхеньян агарда унга нисбатан яна иқтисодий жазо чоралари қўлланилса, уруш эълон қилишини билдирди. Шунингдек, Шимолий Корея ўзининг ядро дастурини қайта тиклашга қарор қилиб, МАГАТЭнинг инспекторларини ядро объектларидан чиқариб юборди.

## ҚИЙНОҚЛАР ОСТИДАГИ СЎРОҚЛАР



Буюкбритания Олий судига ҳукуматнинг юридик хизматидан хат тушган. Унда вазирлар маҳкамаси вакили томонидан марказий разведка бошқармасининг қамоқхоналарида Буюкбритания фуқароси қийноқларга солинганлиги ҳолати бўйича MI-5 контразведкаси ходими ёлғон кўрсатма берганлиги тан олинган, деб хабар қилади «The Guardian» нашри.

Хатдан кўриниб турибдики, MI-5 манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган гувоҳ ўз кўрсатмасида МРБ томонидан ушланган Британия фуқароси Биньям Муҳаммад Американинг Марокашдаги махфий қамоқхонасига ўтказилгач, унинг тақдири тўғрисида Лондонга ахборот бермай қўйилган деб, ёлғон гапирган.

Шунингдек, хатга MI-5 ва MI-6 хизматларининг ушбу ишга бевосита алоқадор 13 та ҳужжати ҳам илова қилинган. Аввалроқ, махсус хизматлар бу ҳужжатларни судга тақдим этишни лозим топмаган эди. 2009 йилнинг март ойида оммавий ахборот воситаларида Буюкбритания полицияси томонидан MI-5 ходимларининг Биньям Муҳаммадни МРБ қамоқхоналарида қийноққа солинишига алоқадорлиги бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани тўғрисида маълумот тарқалганди.

Буюкбританияда яшовчи, асли эфиопиялик Биньям Муҳаммад 2002 йилда МРБ ходимлари томонидан Покистонда ҳибсга олинганди. Марокашда қийноқлар остида олиб борилган сўроқларда у қатор террористик актларда қўли борлигини тан олган. 2004 йилда Американинг Гуантанамодаги қамоқхонасига ўтказилган. 2009 йилда эса Лондон босими таъсирида озодликка чиқарилган.

## ҚОТИЛЛИККА УНДАГАН САБАБ

Ўз турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзандини ўлдириб, сўнгра ўз жонига қасд қилган Мэриленд штатилик 34 ёшли Кристофер Вуд 450 минг доллар миқдорида қарз бўлган экан, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

Ўлимидан олдин ёзиб қолдирган олтита хатда Вуд оиласининг ночор молиявий аҳволи тўғрисида айтиб ўтган. Унинг оиласи йилига 97 минг доллар миқдорида даромад кўришига қарамай, улар моддий қийинчиликларни енгиб ўтолмаган.

Шунингдек, у хатларида турмуш ўртоғи ва фарзандларини жуда яхши кўришини ҳам қайд этиб ўтган. Вудлар олдинига Флоридада яшашган. Кейинчалик Ғарбий Виржинияга кўчиб ўтиб, оила бошлиғи янги лавозимга тайинлангач, Мэриленддаги Миддлтаун шаҳарчасига келиб қолишган.

18 апрель куни Кристофер Вуд ухлаб ётган рафиқаси, икки, тўрт ва беш ёшдаги уч нафар фарзандини отиб ташлаб, кейин ўз жонига қасд қилган.

## ДНК хатоси–умрбод қамоқ жазоси



Япония фуқароси ДНК тести хулосаси асосида умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Бироқ, ДНК тести хулосаси хато бўлган экан, деб хабар қилади «Asahi Shimbun» газетаси. Тошикадзу Сугайя 1991 йили етти яшар қизалоқни ўлдирганликда айбланиб, 2000 йилда Олий суд аппеляция сўровини рад қилгач, якуний ҳукм чиққан.

Ушбу жиноят процессида жабрланувчининг кийимида қолган қон излари асосий далил сифатида белгиланган. Яъни, ушбу қон излари таркиби Сугайянинг ДНК тести натижаси билан солиштирилганда, тест машинаси улар битта одамга тегишлилиги тўғрисида хулоса берган.

Лекин, орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтгач, қайтадан ДНК тести ўтказилганда, жабрланувчининг кийимида қолган қон доғлари Тошикадзу Сугайянинг ДНКсига мос келмаслигини кўрсатган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай хатога йўл қўйилишига сабаб, 1991 йилда тиббиёт ҳозирги даражада ривожланмаган бўлгани боис ДНК тестининг аниқлиги 100 фоиз бўлмаган.

## Ўғирланган бола



«Новости» ахборот агентлиги кеча Россиянинг Свердловск областига қарашли Табори шаҳри марказий касалхонасидан уч ёшли боланинг ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар тарқатган. Суд приставлари федерал хизматининг Свердлов области бошқармаси маълумотларига асосланган ҳолда тарқатилган мазкур хабарда ўғирланган боланинг онаси оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингани айтилади.

Бола ўғриси қисқа муддатда қўлга олинган. Маълум бўлишича, у гўдакнинг бувиси экан.

Гап шундаки, уч ёшли болакайнинг онаси оналик ҳуқуқидан маҳрум этилгач, бола вақтинчалик шаҳар касалхонасининг педиатрия бўлимига ўтказилган.

Ҳар куни гўдакни кўргани келиб турган бувиси 22 апрель куни касалхона ходимларига сездирмасдан болани ўғирлаб кетган. Шундан кейин бола ўғирлангани ҳақида шов-шув тарқалган. Хабарда боланинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

## Тадбиркор ҳибсда

Чоршанба куни Кишинев апелляция палатаси молдавиялик бизнесмен Габриэл Статини яна икки кун қамоқда қолдиришга қарор қилди. У ҳокимиятни эгаллаб олиш ва оммавий тартибсизликларни ташкиллаштиришда айбланиб ҳибсга олинган эди, деб хабар қилади «Новости» ахборот агентлиги.

Адвокатларнинг бизнесменни озод қилиш тўғрисидаги илтимоси рад этилди. Парламент сайловлари натижаси бўйича мухолифат 5 апрель куни ҳукмрон коммунистик партияга қарши норозилик намойишлари ташкил этган эди. 7 апрелдаги намойишлар эса Кишиневда оммавий тартибсизликлар ва қирғинларни келтириб чиқарди. Намойиш қатнашчилари Молдова парламенти биносини ва президент саройи (резиденция)ни вайрон қилишди.

Стати Украина ҳудудида қўлга олиниб, Молдова ҳуқуқ-тартибот органлари ихтиёрига берилган эди.

32 ёшли бу тадбиркор ўз мамлакатининг энг бой ишбилармонларидан бири ҳисобланади. У бир неча миллиард доллар маблағга эга, нефт савдоси ва қурилиш бизнеси билан шуғулланади. Стати ўзининг шахсий «Молливуд» киностудиясини яратиш иштиёқида юрибди.

Стати Молдовада жанг санъатларини тараққий эттириш орзусида, яқинда у талабалар ва ёшлар иттифоқига раҳбар бўлиб олди. Маълумотларга кўра ушбу нодавлат жамоатчилик ташкилотининг 100000 дан кўпроқ аъзоси ва тарафдорлари бор.

Апелляция палатаси йиғилишидан сўнг Статининг адвокати «прокуратура ҳимоямдаги шахснинг оммавий тартибсизликлар ташкиллаштиргани ва ҳокимиятни эгаллаб олишга ҳаракат қилгани тўғрисида биронта ҳам далил келтира олмади» деган.

Прокурор Виктор Будяну эса «6-7 апрель воқеаларининг ташкиллаштирилишида Статининг иштирок этгани шубҳасиз. Исбот ва далиллар кейинроқ тақдим этилади», деган фикрни билдирган.

## ҲИНДИСТОНГА ШОН-ШАРАФЛАР...

«Hindu» нашрининг хабар беришича, ҳиндистонлик полициячи мактаб ўқувчиларнинг кўз ўнгида тўрт қаватли бинодан сакраган.

Ҳиндистон жанубидаги Тамилнад штати полициячиси Велмуруган Нью-Делидаги мактаб ўқувчиларининг ҳайбаракалласига қизиқиб кетиб, давлат байроғини ушлаганча, «Ҳиндистонга шон-шарафлар» ҳайқириғи билан 11 метр баландликдан сакрайди. Бассейнни кўзлаган Велмуруган нишонга тўғри тушди. Бироқ бассейнда атиги 9 сантиметр сув бўлган. Чап оёғи синганлиги сабабли тез ёрдам томонидан шифохонага олиб кетилаётган полициячи оғриқ азобига қарамасдан жилмайганча, болаларга «Ҳаммаси жойида» деб қўйган. Кейинроқ, Велмуруган бу иши билан ҳукуматнинг Шри-Ланка муаммосига эътиборини қаратмоқчилигини маълум қилган. Шунингдек, ҳинд полисмени Гиннес рекордини ўрнатишга ҳаракатини бошлагани ва келажакда бундан ҳам баланд «манзиллар»ни кўзлаётганини айтиб ўтган.

**«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади**



**Инсон яралибдики, умри давомида фақат эзгуликлар қилиб, ўзидан яхши ном қолдиришга интилиб яшайди. Кимнингдир корига яраб, мушкулини осон қилиш яхши амаллардан биридир. Умр йўли давомида Ватан равнақи, юрт дардида ёниб яшаётган ана шундай инсонлар қаторига Турсунқул Суюндуқовни ҳам киритишимиз мумкин. У ўзининг 40 йилдан ортиқ умрини ҳуқуқ-тартибот ишига бағишлаб, машаққатли меҳнат йўлини босиб ўтди.**

# Ватанга бахшида умр

У ўзининг қизғин иш фаолияти давомида бутун амалий тажрибаси ва куч-ғайратини ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган. Дастлаб Қашқадарё вилояти Бешкент туманлараро прокуратураси иш ўрганувчи терговчиси, сўнгра Косон туман прокуратураси терговчиси, Сирдарё туман прокуратурасида терговчи, Фориш, Зомин, Арнасой, Жиззах туманлари прокурори ҳамда вилоят прокуратурасида турли лавозимларда хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлни босиб ўтди.

Ишлаш даврида ўзининг ибратли маслаҳатлари билан шогирдлари кўнглига йўл топиб, уларга ҳар соҳада елкадош бўлиб келган.

Унинг узоқ йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвони, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан II-даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган.

Бугун Турсунқул Суюндуқов табаррук 75 ёшни қарши олмоқда. Ана шундай шодиёна кунда унга оилавий сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, хонадонига осойишталик тилаб қоламиз.

**Бош прокуратура жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**

# ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси Б.Калонов, марказ раиси ўринбосари М.Шарофутдинов ва Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда прокуратура фахрийси, таникли ҳуқуқшунос, устоз Абдулла Давлетов фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.**

Умрининг 54 йилини қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ёш ҳуқуқшуносларни тарбиялашга бағишлаган Абдулла Давлетовнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳар бир ёш ҳуқуқшуносга, прокурор-тергов ходимига ўрнак бўла олади.

Абдулла Давлетов ўз фаолиятини прокурор ёрдамчиси вазифасидан бошлаб, Республика прокурорининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси, тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Хоразм вилоят прокурорининг ўринбосари, Хоразм вилоят прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази (ҳозирги Олий ўқув курслари)да турли лавозимларда самарали меҳнат қилди. Шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Шу билан бирга устоз самарали ижодий фаолият олиб борди.

Меҳнат қилган қадр топади. А.Давлетовнинг фидокорона меҳнатлари халқимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган юрист», «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби», «3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси» унвонлари, «Ҳурмат белгиси» ордени ва «Прокуратуранинг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тингловчилар билан бўлган учрашувда Абдулла ака ҳаётий тажрибалари, ҳуқуқшунос шахсининг фазилатлари, соҳанинг нозик қирралари хусусида тингловчиларга гапириб берди.

Бу каби учрашувлар тингловчиларда катта таассурот қолдириши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз**

# ЭКОЛОГИЯГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ҳозирги кунларда экологияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўш, экологиянинг ўзи нима? Нега унинг хавфи ҳатто ядровий хавф-хатардан ҳам даҳшатлироқ деб баҳоланиб, бутун ер курраси халқларини ташвишга солмоқда?

«Экология» сўзини фанга илк бор немис биолог олими Эрнест Геккель киритган. У ўзининг илмий ишида Чарльз Дарвиннинг тирик организмларнинг эволюцион ривожланиш қонунлари тўғрисидаги таълимотини кенг тадқиқ этган ва 1866 йил 14 сентябрда чоп этилган китобининг сўз бошисида экология тўғрисидаги фикрларини баён этган. Экология атамаси юнонча «Oicos» — турар жой, яшаш муҳити, уй деган маънони, «Logos» қўшимчаси эса фан, таълимот деган маънони англатади. Демак, экология инсонлар яшаб турган муҳит, уй, ватан ҳақидаги фандир. «Уй ҳақидаги фан» экологиянинг тор маъносидир.

Ҳозирги кунда экология жуда кенг маъноларни қамраб олган. Айтайлик, фалон жойда экологияга эътибор қаратилмаяпти, дейилганда хўжалик ва бошқа фаолият натижасида ҳайвонот ва наботот олами бузилмоқда, табиий экологик тизим вайрон қилинмоқда, наботот ва ҳайвонот олами ўртасидаги табиий мувозанат бузилмоқда, атроф табиий муҳитнинг одамлар соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи, қайта тикланмас даражадаги чуқур ўзгаришлари содир бўлмоқда, биз эса бугунги ҳузур-ҳаловатимизни ўйлаб буларнинг барчасига панжа орасидан қараяпмиз, деган маънони англатади.

Атроф табиий муҳитга, оқар сувларга, дов-дарахтларга, қушларга, ҳайвонларга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш бизга ота-боболаримиздан мерос. Юртимизда экологик сиёсат ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яъни табиат ва жамият ўртасида иқтисодий-экологик муносабатни қарор топтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-,54-,55- ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари Республикамизда экологияга оид йигирмадан зиёд қонунлар қабул қилинган. Улар табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси кўплаб халқаро экологик конвенцияларга ҳам қўшилган ҳамда уларнинг талабларини бажаришни ўз зиммасига олган.

Ҳозирги кунларда Ўзбекистон Республикасининг экология борасидаги амалий фаолиятига назар ташласак, юртимизда улкан ишлар амалга оширилаётганлигига гувоҳ буламиз. Табиат бойликлари орасида сув алоҳида ўрин тутади. Чунки сув барча жонзотлар ҳаётининг асосий манбаидир. Собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида Орол денгизи қарийб қуриб қолаёзган эди. Бир вақтлар энг катта кўллар тоифасига кирган Орол денгизи 30-40 йил ичида энг шўр, ифлосланган ўртача кўл даражасига тушиб қолганди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарё сув режимининг кескин ўзгариши, яъни уларнинг Оролга сув қуйишининг 12-13 баробар камайиб кетганлигидир. Натижада сув сатҳи 16 метрга пасайиб, юзаси 2 баробар, ҳажми 4 баробар камайиб кетганди. Сувдан қуриган юза 3,3 миллион гектарни ташкил этганди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳозирги кунда Оролга сув қуйилиши 17-20 куб километргача кўпайтирилди. Аҳвол кундан кун яхши томонга ўзгариб бормоқда. Аммо бу энди ишларни тўхтатсак бўлади дегани эмас.

Умид қиламизки, Орол денгизи ўзининг эски мақомига, яъни денгиз ҳолига қайтади. Бунинг учун эса фақат манфаатдор ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хизматига кўз тикиб ўтирмасдан барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз, ўрмонларнинг кесилиб кетишига, оқар сувларнинг ифлослантирилишига, табиий бойликларнинг беҳуда исроф этилишига ва умуман ҳайвонот ва наботот оламининг қирилиб кетишига қарши курашмоғимиз керак. Бу иш барчамизники бўлган шу азиз Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизга айланмоғи лозим. Зеро, келажагимиз кўп жиҳатдан экологияга эътиборимизга боғлиқ.

**Жамшид РАҲМОНОВ,**
**тадқиқотчи**



**Газетамизнинг ўтган сонида тўрткўллик Тўти момо Юсупова ҳақида «129 ёшли момо» мақоласини чоп этган эдик. Кунн кеча биз табаррук ёшли онахонимизнинг фотосуратларини олишга муштараф бўлдик. Онахонимизга кўп минг сонли муштарийларимиз номидан сиҳат-саломатлик тилаймиз.**

*Азиз ватандошлар!*

*Сизларни 9-10 май кунлари «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан «Истиқлол» санъат саройида халқимиз тинчлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўтказиладиган хайрия концертига таклиф этамиз.*



*Концертдан тушган маблағ ўз хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг оилаларини қўллаб-қувватлаш учун сарфланади.*

*Дастурда жонли ижро ва фонограммадан фойдаланилади.*

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г — 355. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.00 1 2 3 4 6 7 8